

**ИОН-ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ,  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.02/30.12.2019.FM.65.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ИОН ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ**

**МАХМУДОВ ХИКМАТ МАХАМАТОВИЧ**

**ҚУЁШ НУРИ БИЛАН ИШЛАЙДИГАН ВА ҚУЁШ НУРИ  
ЧАСТОТАСИ ЎЗГАРТИРГИЧЛИ ЛАЗЕРЛАР**

**01.04.11 – Лазер физикаси**

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2021**

**Физика-математика бўйича докторлик (DSc) диссертацияси автореферати  
мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации по физико-  
математическим наукам**

**Contents of the dissertation abstract of the doctoral (DSc) on physical and  
mathematical sciences**

<b>Махмудов Хикмат Махаматович</b>	
Куёш нури билан ишлайдиган ва куёш нури частотаси ўзгартиргичли лазерлар.....	<b>3</b>
<b>Махмудов Хикмат Махаматович</b>	
Лазеры с солнечной накачкой с частотными преобразователями солнечного излучения.....	<b>30</b>
<b>Makhmudov Khikmat Makhmatovich</b>	
Solar pumped lasers with solar spectrum frequency converters.....	<b>57</b>
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b>	
Список опубликованных работ	
Эълон қилинган ишлар рўйхати	
List of published works .....	<b>61</b>

**ИОН-ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ,  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.02/30.12.2019.FM.65.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ИОН ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ**

**МАХМУДОВ ХИКМАТ МАХАМАТОВИЧ**

**ҚУЁШ НУРИ БИЛАН ИШЛАЙДИГАН ВА ҚУЁШ НУРИ  
ЧАСТОТАСИ ЎЗГАРТИРГИЧЛИ ЛАЗЕРЛАР**

**01.04.11 – Лазер физикаси**

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2021**

**Докторлик (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.2.DSc/FM123 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ион-плазма ва лазер технологиялари институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (<http://iplt.uz/>) ва “ZiyoNet” ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Пайзиев Шермаҳамат Далиевич**  
физика-математика фанлари доктори

**Расмий оппонентлар:**

**Эшқобилов Напас Бекназарович**  
физика-математика фанлари доктори,  
профессор

**Сапаев Усмон Қаландарович**  
физика-математика фанлари доктори

**Маҳманов Ўрол Қудратович**  
физика-математика фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:**

**Ўзбекистон Миллий Университети**

Диссертация ҳимояси Ион-плазма ва лазер технологиялари институти, ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.FM.65.01 рақамли Илмий Кенгашнинг 2021 йил « 8 » июль соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100125, Тошкент шаҳри, Дўрмон йўли кўчаси, 33-уй. Тел./факс: (99871) 262-32-54, e-mail: [info@iplt.uz](mailto:info@iplt.uz) (Ион-плазма ва лазер технологиялари институти мажлислар зали).

Диссертация билан Ион-плазма ва лазер технологиялари институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( 6 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100125, Тошкент шаҳри, Дўрмон йўли кўчаси, 33-уй. Тел./факс: (99871) 262-31-69.

Диссертация автореферати 2021 йил « 01 » июль куни тарқатилди.

(2021 йил « 01 » июль даги 6 рақамли реестр баённомаси).



**Х.Б. Ашуров**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

**И.Д.Ядгаров**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, ф.-м.ф.д., катта илмий ходим

**С.А.Бахрамов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, ф.-м.ф.д., академик

## КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Экологик хавфсизлик бугунги кунда жаҳон миқёсида асосий ва энг муҳим муаммолардан бири бўлиб ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан тугамайдиган ва экологик тоза манба бўлган қуёш энергиясидан фойдаланиш, долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Қуёш энергиясидан фойдаланишнинг усулларида бири, бу уни лазер нури энергиясига айлантиришдир. Юқорида қайд этилганларга қарамай, қуёш нури энергиясини лазер нури энергиясига айлантириш самарадорлиги, уни электр ва иссиқлик энергиясига айлантириш каби бошқа турларидагига нисбатан ҳали ҳам паст кўрсаткичларда қолиб кетмоқда.

Кенг полосали қуёш нури спектрини монохроматик лазер нури энергиясига самарали айлантириш учун: аниқ физик хусусиятларга эга бўлган янги фаол муҳитларни аниқлаш, лазер актив элементини оптик дамлашда қуёш нури спектрдан максимал фойдаланиш, ушбу фаол муҳитлардан фойдаланиш жараёнида юзага келувчи салбий иссиқлик эффектларининг олдини олиш каби бир қатор физик муаммоларни ечиш талаб этилади. Шу нуқтаи назардан оптимал лазер схемаларини қидириш ва аниқлаш, янги лазер материалларини ва қуёш нурини ўзгартирувчи қурилмаларни қидириш ва тадқиқ этиш, шунингдек ушбу лазер схемаларининг физик параметрларини тадқиқ этиш долзарб масала бўлиб қолади.

Ўзбекистон Республикасида Қуёш энергиясини лазер энергиясига айлантириш соҳасида бир қатор илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилган, жумладан, биринчи марта Катта Қуёш Печида лазер нурланиши олинган, энергия айлантириш самарадорлигини ошириш учун янги концепция таклиф қилиб, Nd:YAG ли лазер учун бир қатор муаммоларнинг янги ечимлари таклиф қилинган.

Ҳозирги кунда дунё миқёсида қайта тикланувчи энергия манбалиридан фойдаланишга асосланган қуёш билан ишлайдиган лазерлар соҳасидаги муаммоларни ечишга қаратилган тадқиқотлар, концентрацияланган қуёш нурига нисбатан юқори зичликка эга бўлган ёруғлик оқимларини олиш имкониятининг мавжудлиги сабабли юқори температурали технологияларнинг юзага келишига олиб келиши мумкин. Шунинг учун қуйидаги йўналишлардаги мақсадли илмий тадқиқотлар, шу жумладан илмий лойиҳа ва илмий изланишлар долзарб ҳисобланади: қуёш билан ишлайдиган лазерларнинг янги юқори самарадорликка эга бўлган схемаларини ишлаб чиқиш ва яратиш, қуёш нури спектрининг максимал катта қисмидан фойдаланиб максимал самарадорликка эришадиган лазерларни ишлаб чиқиш ва яратиш, юқори оптик характеристикаларга эга бўлган янги композит лазер материалларини қидириш.

Ўзбекистон Республикаси 2010 йил 15 декабрдаги ПҚ–1442-сон «2011–2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги, 2017 йил 7 февралдаги №ПФ-4947-сон

«2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини келгусида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги», 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаш-тириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти ўзининг муносиб улушини кўшади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг АТД-4 – «Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш усулларини ривожлантириш, нанотехнология, фотоника ва бошқа илғор технологиялар асосида технологиялар ва қурилмалар яратиш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилди.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи<sup>1</sup>.** Қуёш билан ишлайдиган лазер биринчи марта Z. J. Kiss ва бошқалар томонидан  $Dy^{+3}$  билан легирланган  $CaF_2$  кристалли асосида ишлаб чиқилган. Ўша пайтдан бошлаб шу кунгача ярим аср ўтганига қарамай бу соҳадаги энг асосий муаммо ҳал бўлмаган. Қуёш лазерининг асосий муаммоси бу ҳали ҳам 4-5,1%дан ошмайдиган ўзгартириш самарадорлигидир. Ушбу самарадорлик бошқа муқобил энергия технологиялари, жумладан қуёш технологияларига нисбатан бир неча марта кичикдир. Ушбу муаммони ва бу соҳадаги бошқа муаммоларни ҳал қилиш устида дунёнинг қуйидаги етакчи илмий институтларида қизғин илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда: жумладан: University of Florida (АҚШ), Tohoku University (Япония), American Optical Company (АҚШ), PROMES-CNRS (Франция), Universidade NOVA de Lisboa (Португалия), University of Dundee (Буюк Британия), Institute for Laser Technology (Япония), Ben-Gurion University of the Negev (Исроил) ва бошқалар.

Диссертация тадқиқотининг мавзуси бўйича, дунё миқёсида бир қатор долзарб муаммолар ечилди ва қуйидаги муҳим натижалар олинди: 1966 йилда С.С. Young ва бошқалар таркибида неодим бўлган иттрий-алюминийли гранат (Nd: YAG) кристаллида қаттиқ жисмли қуёш билан ишлайдиган лазер яратилган, 1984 йилда Arashi ва бошқалар Nd: YAG лазериди 18 Вт қувватга эга бўлган генерация олган. D.Jenkins ва бошқалар томонидан концентратор майдонининг бир квадрат метридан олинадиган қувват 4.7 Вт гача оширилган. Сўнгра ушбу кўрсаткич М. Lando ва бошқалар томонидан 6,7 Вт/м<sup>2</sup> га қадар ва Y.Yabe ва бошқалар томонидан Cr: Nd: YAG кристаллида 18,7 Вт/м<sup>2</sup> га қадар яхшиланган. D.Liang ва бошқалар томонидан Nd: YAG актив элементида 19,3 Вт/м<sup>2</sup> ва шундан сўнг 2012 йилда Nd: YAG актив элементида T.Dinh ва бошқалар қувват 30 Вт/м<sup>2</sup> га етказилганлиги тўғрисида маълумот беришган.

<sup>1</sup> Обзор международных научных исследований по теме диссертации проведен на основе: <https://worldwidescience.org/topicpages/s/solar+pumped+laser.html> и др. источников.

Ҳозирги пайтда қуёш билан ишлайдиган лазерлар учун истиқболли бўлган бошқа турдаги фаол мухитлар пайдо бўлди: булар таркибида неодим бўлган композит материаллар, Nd/Cr билан легирланган GSGG, YAG, Nd билан легирланган фторидли шиша ва Nd/Cr:YAG асосидаги керамик материаллардир.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Тақдим этилаётган ишда қуёш билан оптик дамлаш орқали лазер генерациясини олишга қаратилган Z.Kiss, C.Young, H.Arashi ва бошқаларнинг ишлари ўрганиб чиқилди, ушбу ишларда муаллифлар қуёш лазерлари учун муҳим аҳамиятга эга бўлган яхши оптик, иссиқлик ва спектрал параметрларга эга бўлган Nd: YAG актив материалдан фойдаланишган. Муаллифлар M.Weksler ва бошқалар, D.Jenkins ва бошқалар, ҳамда M.Lando ва бошқалар томонидан чоп этилган ишлар Nd: YAG лазери қувватини оширишга қаратилган. Nd: YAG фаол элементида таклиф этилган янги дамлаш усули туфайли максимал қувватдаги генерация олинганлиги тўғрисида маълумот T.Dinh томонидан чоп этилган ишда баён этилган. Nd: YAG фаол элемент сифатида қуёш лазерлари учун энг мос материал бўлишига қарамай, бошқа муаллифлар Nd: YAG билан рақобатлаша оладиган истиқболли материалларни (M.Endo на Cr:Nd:GSGG и Y.Yabe Cr:Nd: YAG) кўрсатдилар. D.Liang ва бошқалар, J.Almeida ва бошқалар, ҳамда P.Xu ва бошқалар томонидан чоп этилган материалларда қуёш нуруни лазер нурига айлантириш самарадорлигини ошириш йўлидаги бўлган уринишлар ҳақидаги маълумотлар берилган.

R.Insuk ва бошқалар, R.Schneider ва бошқалар томонидан чоп этилган ишлардан маълум бўлишича суюқлик, газ, керамика ва бошқалар асосидаги қуёш лазерларининг кўрсаткичлари қаттиқ жисмли лазерлар кўрсаткичидан юқори эмас. P.Beaud ва бошқалар, ҳамда U.Demirbas ва бошқалар томонидан чоп этилган ишларда, оптик дамлашда қуёш нуридан самарали фойдаланиш учун хизмат қиладиган янги материал-сенсублизатор Cr:LiSAF ва Cr:LiCAF ҳақида маълумотлар берилган. P.Reusswig ва бошқалар томонидан эълон қилинган материалларда (CdSe/CdZnS) дан сенсублизатор сифатида фойдаланиш таклиф этилган.

Диссертация мавзуси бўйича чоп этилган материалларнинг кўплигига қарамай қуёш энергиясини лазер нури энергиясига айлаштириш самарадорлигини ошириш вазифаси долзарблигича қолмоқда. Юқорида қайд этилган ишларда қуёш лазерининг самарадорлиги, лазер нури қувватининг қуёш нури концентрация қилинган юзага нисбати орқали кўрсатилган ( $\text{Вт}/\text{м}^2$ ), бу эса турли хил об-ҳаво шароитида ва ҳар хил географик кенгликларда турли муаллифлар олган натижаларни таққослашга имкон бермайди.

Қуёш энергиясини лазер нури энергиясига айлантириш самарадорлигини ошириш вазифасини ечиш учун, биз биринчи бўлиб лазер тизимларида ташқи частота ўзгартиргичидан фойдаланиш усулини таклиф этдик.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти ЎзР ФА Ион-плазма ва лазер технологиялари институтининг қуйидаги лойиҳалари: № АЗ-ФА-Ф045 “Катта Қуёш Печида

турли хилдаги актив элементларни синовдан ўтказиш учун мўлжалланган универсал лазер стендини ишлаб чиқиш” (2015-2017), №ОТ-ФЗ-10 “Қуёш энергиясини лазер нури энергиясига айлантириш жараёнларининг физик асосларини тадқиқ этиш ва ривожлантириш” (2017–2020), №MRU-FA-75/2017 “Қуёш энергиясини лазер нури энергиясига самарали ўзгартириш учун қуёш нури спектрини модификация қилиш” (2018–2019), №ФА-Атех-2018-16 “Френел линзасида қуёш билан нақча қилинадиган лазерни ишлаб чиқиш ва яратиш” (2018–2020) тадқиқотлари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** лазерларнинг оптимал схемасини, улар фаол муҳити учун материалларни аниқлашдан ва қуёш энергиясини лазер нури энергиясига айлантириш самарадорлигини ошириш мақсадида қуёш нури частотасини ўзгартиртирувчи мослама киритилган лазер схемаларини тадқиқ этишдан иборат.

Ушбу мақсадга этиш учун **тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагича шакллантирилди:

ютиш самарадорлигини ошириш, нурнинг лазер фаол элементдан кўп марта қайтарилиши таъминлаш усуллари орқали қуёш нури билан лазерларни оптик дамлашнинг оптимал усуллари ишлаб чиқиш;

дамлаш самарадорлигини ошириш мақсадида композит фаол элементда дамлаш энергиясининг иккиламчи концентрациясига эга бўлган лазер схемалари моделини ишлаб чиқиш;

генерация порогини пасайтириш мақсадида церийни ички сенсбилизатор сифатида Nd:YAG киритиш асосидаги лазерлар моделини ишлаб чиқиш;

Cr:LiCAF кристаллидан қуёш спектри частотасини ўзгартирувчи ташқи элемент (сенсбилизатор) сифатида фойдаланилган Nd: YAG лазерларининг имкониятларини тадқиқ этиш;

фаол муҳит лазер характеристикаларининг концентрацияга боғлиқлигини инобатга олган ҳолда, YAG/Nd:YAG диск кўринишидаги композит керамик фаол элементли қуёш лазерлари кувватини ошириш имкониятлари тадқиқ этиш;

Nd:Cr:GSGG кристаллида қуёш ёрдамида оптик дамланадиган ва фаол элементдан иссиқлик самарали олиб ташланадиган лазер схемаларини тадқиқ этиш;

генераци порогини пасайтириш мақсадида бўйлама оптик дамлашли  $Ti^{3+}:Al_2O_3$  лазерининг оптимал геометриясини тадқиқ этиш;

Nd:YAG кристаллига  $Se^{+3}$  ионларини киритиш (легирлаш) қуёш ёрдамида дамланадиган лазер генерациясининг хусусиятларига қандай таъсир этишини тадқиқ этиш;

қуёш ёрдамида дамланадиган қаттиқ жисмли лазер резонаторида иссиқлик майдонлари ва иссиқлик кучланишларини ҳисоблаш учун дастурий код ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида қуёш ёрдамида оптик дамланадиган қаттиқ жисмли лазерлар, лазер фаол элементлари, қуёш нури

тўлкинузунлигини ўзгартириб берувчи материаллар (сенсублизаторлар) ва лазер резонаторлари схемаси танланган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни қуёш ёрдамида дамланадиган лазерлар резонаторида содир бўладиган физик жараёнлар, айнан бир неча марта такрорланадиган қайтиш, синиш, ютилиш, фотонлар люминесценцияси, энергиянинг сенсублизатор ионларидан актив ионларга узатилиши ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация ишида лазер тизимида содир бўладиган жараёнларни фаол муҳитларнинг спектрал характеристикаларини, лазер тизими компонентларини ва қуёш нури спектрини инобатга олган ҳолда моделлаш усули тадбиқ этилган. Моделлаш қуёш нури таркибидаги алоҳида фотонни тасодифий параметрларнинг Монте-Карло усули билан кузатишга асосланган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

қуёш нурунинг фаол элементдан кўп маротаба ўтишини инобатга олиб Nd:YAG қуёш лазерини дамлашнинг янги схемаси таклиф этилган ва ишлаб чиқилган. Таклиф этилган схемага кўра оптик дамлашда анъанавий усулга кўра дамлашдагига нисбатан икки баробар юқори самарадорликка эришиш мумкинлиги кўрсатилган;

бир неча бор такрорланадиган қайтиш, синиш, ютилиш, фотолюминесценция жараёнларини, одатда ишлатилинадиган фотонлар пакети ўрнига алоҳида олинган фотонни оғирлик факторисиз таъқиб қилишга асосланган моделлаштиришнинг универсал услуби ишлаб чиқилган;

ўзига хос кўринишдаги шакли туфайли, фаол элементда қуёш нуруни кўшимча концентрация қила олиш хусусиятига эга бўлган александрит кристалли асосидаги қуёш лазерни ҳисоблаб чиқилган. Юқорида қайд этилган лазер қуёш нуруни фаол ўзгартиришнинг умумий қийматини 15% етказиш имконини беради;

компьютер симуляцияси усули орқали қуёш билан оптик дамланадиган лазерларда энергия узатиш ва сенсублизациянинг янги модели таклиф қилинган. Биринчи марта, Nd:YAG кристаллига  $\text{Ce}^{3+}$  ионларини киритиш порог қувватини 1.7 баробар камайтириши, лазернинг дифференциал самарадорлигини икки баробар ошириши ва мос равишда лазернинг чиқиш қисмидаги қувватини икки баробар ортишига олиб келиши кўрсатилган;

кўндаланг дамлашли лазер тизимида Cr:LiCAFдан қуёш спектри частотасини ўзгартирувчи сифатида фойдаланиш лазер самарадорлигининг сезиларли даражада ошишига имкон бериши кўрсатилди. Nd:YAG лазерларида бу самарадорлик 26 %, Ce:Nd:YAG лазерларида 33 % гачани бўлган қийматни ташкил этиши мумкин;

YAG керамик материалларда неодим концентрациясининг қуёш билан ишлайдиган лазерлар самарадорлигига боғлиқлиги тадқиқ этилди. Nd:YAG керамик лазерларида юқори даражадаги неодим концентрацияси қуёш энергиясини лазер энергиясига айлантириш самарадорлигининг ортишига олиб келиши, неодим концентрацияси юқори даражада бўлган Nd:Ce:YAG керамик материалдан фойдаланиш эса Nd:YAG керамик

лазеридаги самарадорликни тахминан икки баробарга ошириши кўрсатилди. Бундан ташқари, материаллардаги неодим концентрацияси шундай чегаравий қийматга эгаки, унинг бу чегаравий қийматдан ортиши лазер самарадорлигининг пасайишига олиб келади;

Nd:Cr:GSGG материалининг жуда паст иссиқлик ўтказувчанлик хусусиятига эга эканлигига қарамай, ушбу материалдан тайёрланган актив элемент асосида юқори самарадорликка эга бўлган қуёш лазерини яратиш мумкинлиги кўрсатилди. Лазернинг шундай конфигурацияси яратилдики, бу конфигурация лазер қуввати бўйича ҳозирги вақтда эришилган рекорд кўрсаткичларни 3-4 баробар ошириш имконини беради;

биринчи марта  $Ti^{3+}:Al_2O_3$  актив элементи базасида қуёш энергиясини лазер нури энергиясига айлантириш имконияти тадқиқ этилди. Концентрацияланган қуёш нури ёрдамида бўйлама оптик дамлашда кристалл ўлчамларининг оптимал геометриясини танлаш орқали генерация порогини пасайтириш имкониятининг мавжудлиги кўрсатилди;

Ce:Nd:YAG асосида қуёш билан ишлайдиган лазернинг янги самарадор схемаси таклиф этилди. Биринчи марта, Nd:YAG ўрнига Ce:Nd:YAG дан фойдаланиш бўйлама дамлашда самарадорликни 19% ошириши кўрсатилди;

биринчи марта титан-сапфирдан (Ti:Sapphire) қуёш спектри частотасини қоплаш учун ташқи сенсibiliзатор сифатида фойдаланиш таклифи киритилди. Титан-сапфирдан (Ti:Sapphire) ташқи сенсibiliзатор сифатида фойдаланиш Nd:YAG лазерларида оптик дамлаш самарадорлигининг икки баробар ортишига олиб келиши кўрсатилди;

биринчи марта Александрит ( $Cr^{3+}:BeAl_2O_4$ ) ни температура назоратили ташқи сенсibiliзатор сифатида фойдаланиш таклифи киритилди. Александритни кўндаланг дамламали лазер таркибида ишлатилганида Nd:YAG лазерни дамлаш самарадорлигини беш бараваргача ошириш имконияти кўрсатиб берилди.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари.** Қуёш нури ёрдамида оптик дамланадиган лазерлардаги физик жараёнлар учун ишлаб чиқилган компьютер моделларидан, қуёш ёрдамида шунингдек, лампа ёрдамида ва светдиодли оптик дамланадиган янги лазерни яратишда ҳамда янги лазер технологияларини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин. Таклиф этилаётган қуёш нури спектри частотасини ташқи қайта ўзгартиргичларга, оптик дамлашнинг кўп маротаба ўтишли схемасига асосланган ёндашувлар, ҳамда таклиф этилган бошқа схема ёндашувлар ўзгартириш самарадорлиги юқори бўлган янги қуёш лазерларини яратиш учун кенг имкониятлар очиб беради.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқотлар методологиясининг асосланганлиги билан, оптика ва лазер физикасининг асосланган усул ва ёндашувларидан фойдаланилганлиги, ва ишлатилган моделларни қуёш лазерлари бўйича адабиётларда келтирилган маълумотлар билан текширилганлиги, олинган натижалар сифат ва миқдор жиҳатидан баҳоланганлиги, олинган маълумотларнинг аҳамияти статистик тасдиқланганлиги билан таъминланган. Хулосаларнинг ишончлилиги қуёш

энергиясини лазер нури энергиясига айлантириш соҳасида фаолият олиб бораётган бошқа муаллифлар томонидан олинган натижалар билан уйғунлигига асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Мазкур диссертация тадқиқоти натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, қуёш лазерларини кўндаланг оптик дамлашда янги ёндашув қуёш нури спектри частотасини ташқи қайта ўзгартиргичлардан фойдаланиш таклифи киритилганлигида ва қуёш билан оптик дамланадиган лазер симуляция моделидан назарий ва амалий тадқиқотлар ўтказиш учун фойдаланиш мумкинлигида.

Таклиф этилган моделлар, оптик дамлаш схемалари ва бошқа назарий ва техник ечимлардан қуёш энергиясини лазер энергиясига айлантириб берувчи юқори самарадорликка эга бўлган лазерларни яратишда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Муаллиф қатнашувида эълон қилинган “Solar pumped Nd: YAG laser efficiency enhancement using Cr: LiCAF frequency down-shifter” номли мақолага таклиф этилган, ташқи қайта ўзгартиргич сифатида Cr:LiCAF элементида фойдаланилган Nd:YAG лазер модели хорижий муаллифлар томонидан ишлатилган ва 20 мартадан оптик ҳаволалар берилган (Dual-rod pumping approach for tracking error compensation in solar-pumped lasers, B. D. Tiburcio, D. Liang, J. Almeida, D. Garcia and C. R. Vistas, *June 2019, Journal of Photonics for Energy* 9(2), IF:2.287; Dual-rod pumping concept for TEM<sub>00</sub>-Mode solar lasers, B.D. Tiburcio, D. Liang, J. Almeida, D. Garcia, C. R. Vistas, *May 2019, Applied Optics* 58(13), IF:1.791; Enhanced near-infrared emission in Yb<sup>3+</sup>-Cr<sup>3+</sup> codoped KZnF<sub>3</sub> glass ceramics excited by a solar simulator, X.Wang, W. Li, K.Tian, E. Lewis, S. Wang, G. Brambilla, Y. Dong, X. Wu, P. Wang, *April 2019, Ceramics International* 45(6), IF: 3.45, ва бошқалар). Олинган натижалардан фойдаланиш, муаллифларга ҳозирги кунда қуёш лазерларининг ўзгартириш самарадорлиги бўйича эришилган натижалардан сезиларли даражада юқори натижалар олиш мумкинлигини исботлаш имконини берди. Ушбу маълумотлардан, яъни янги ёндашув бўлган анъанавий Nd:YAG лазерларида қуёш нури тўлқин узунлигини ўзгартирувчи сифатида Cr:LiCAF дан фойдаланиш таклифидан, иккита хорижий олим ўз докторлик диссертацияларида фойдаланган (Advances in solar-pumped laser efficiency and brightness, J. I. L. Almeida (URI:<http://hdl.handle.net/10362/28836>) ва High-efficiency solar laser pumping by a ring-array concentrator, M. Rodrigo, (URI: <http://hdl.handle.net/10362/75821>)).

Ce:Nd:YAG асосидага лазерларни тадқиқ этишда Nd:YAG га Се қўшиш қуёш ёрдамида накачка қилинадиган лазерларнинг дифференциал самарадорлиги ошириши кўрсатилгани, ҳамда бунинг ўз навбатида лазер самарадорлигини 2 баробар ортишига олиб келиши, хорижий адабиётларда фойдаланилиб (Influence of annealing atmosphere on the optical quality and pulsed laser performance of Ce, Nd: YAG single crystal, MRA Moghaddam, D Razzaghi, JH Barbaran at. All, *Optik*, 2019, Volume 181, March 2019, Pages 941-947, IF: 1.91, Vistas, C. R., Liang, D., Garcia, D., Almeida, J., Tiburcio, B. D., & Guillot,

E. (2020). Ce: Nd: YAG continuous-wave solar-pumped laser. *Optik*, 207, 163795, IF: 2.187, Vistas, C. R., Liang, D., Almeida, J., Tibúrcio, B. D., Garcia, D., Catela, M., ... & Guillot, E. (2021). Ce: Nd: YAG side-pumped solar laser. *Journal of Photonics for Energy*, 11(1), 018001, IF: 2.12) мазкур материалнинг қуёш ёрдамида накачка қилинадиган лазерларда фаол мухит сифатида фойдаланиш учун янги истиқболли материал эканлигини исботланди. Ушбу натижалардан фойдаланиш қуёш ёрдамида накачка қилинадиган лазерлар самарадорлигини 1.6 барабар ошириш имконини берди.

Nd:YAG фаол мухитини Катта қуёш печининг битта гелиостати ёрдамида концентрация қилинган қуёш нури билан накачка қилиш шароитида фаол мухитнинг люминесцент ва лазер характеристикаларини комплекс тадқиқ этиш натижасида олинган натижалар асосида Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк Агентлигига “Қўндаланг накачкали қуёш лазерларида ўзгартириш самарадорлигини ошириш учун қурилма” номли қурилмага патент олиш учун ариза рўйхатдан ўтказилди (№ IAP 2020 0030, 23.01.2020г.). Ишлаб чиқилган қурилма қуёш энергиясини лазер нури энергиясига юқори самарадорлик билан ўзгартириб берувчи қурилмалар яратиш имконини беради.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертация иши натижалари 9 та халқаро ва республика илмий-амалий конференцияларда маъруза кўринишида баён этилган ва муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мазуси бўйича жами 22 та илмий иш чоп этилган. Шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларида 12 та илмий мақола, уларнинг 6 таси нуфузли халқаро ва 6 таси республика журналларида, ЭҲМ учун 1 дастур рўйхатдан ўтказилган, 9 та маъруза халқаро ва республика конференцияларининг тўпламларида нашр этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, 112 номдаги фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 150 бетни ташкил этади, 70 та расм ва 2 та жадвалдан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари тафсифланган, тадқиқотнинг объекти, предмети ва усуллари аниқланган, илмий янгилиги, олинган натижаларнинг илмий амалий аҳамияти баён этилган, олинган натижаларнинг ишончилиги асосланган, натижаларнинг жорий этилиши, ишнинг апробацияси ва диссертациянинг тузилиши бўйича қисқа маълумот берилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Қуёш ёрдамида оптик дамланадиган лазерлар ва мавжуд муаммолар”** деб номланиб, диссертация ишининг мавзуси бўйича адабиётларда келтирилган маълумотлар таҳлил қилинган ва хулосалар чиқарилган: диссертация ишининг мавзуси бўйича чоп этилган ишларнинг кўплигига қарамай, қуёш лазерларидаги ўзгартириш самарадорлиги 4-5,1% даражасида қолмоқда. Ушбу соҳада ҳал этилмаган муаммолар аниқланди, ва уларга асосланган ҳолда мазкур илмий ишнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилди.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Қуёш ёрдамида оптик дамланадиган лазерларни моделлаш”** деб номланиб, ушбу бобда фойдаланилган қуёш ёрдамида оптик дамланадиган лазерларнинг статистик моделларига, мавжуд моделларни такомиллаштириш учун ишлаб чиқилган янги модулларга тафсиф берилган, фаол элементнинг иссиқлик характеристикаларини ҳисоблаш учун аналитик иборалар келтириб чиқарилган. Мазкур диссертация ишида, оптимал ечимларни аниқлаш, ҳамда қуёш ёрдамида оптик дамланадиган лазерлар самарадорлигини оширишнинг турли хил механизмларини назарий жиҳатдан тадқиқ этиш учун, турли конструкциядаги лазерларни моделлаштириш орқали физик жараёнларни симуляция қилишга асосланган усулидан фойдаланилган.

Диссертация мавзуси бўйича олиб борилган тадқиқотларда ишлатилган қуёш лазери схемасини моделлаш Монте-Карло ва нурни кузатиш (трассировка) усули орқали бажарилди. Моделлаштириш методи аввалроқ ишлаб чиқилган эди. Ушбу рақамий моделлашнинг моҳияти кесишиш нуқталари кетма-кетлигини, қайтиш, синиш, ютилиш ва фотон чиқариш каби элементар жараёнларни моделлаш ва геометрик оптикадан фойдаланган ҳолда аниқлашдан иборат. Моделлашнинг охирги натижаси, инверс бандликни яратишда иштирок этадиган фаол муҳитда ютилган фотонлар улушини, яъни оптик дамлаш самарадорлигини  $\eta_p$  ва фаол муҳитда ютилган қувват тақсимотини аниқлашдан иборат.

*Қуёш ёрдамида оптик дамланадиган лазерларнинг статистик модели* такомиллаштирилди, хусусан Ce:Nd:YAG асосида икки карра фаоллаштирилган муҳитли қуёш лазерларида энергия узатиш ва сенсбилизация жараёнларини симуляция қилувчи модел қўшилди.

Маълумки, сенсбилизация – шундай жараёнки унда сенсбилловчи ионлар (донорлар) томонидан ютилган қўзғалиш энергияси, фаол ионларга (акцептор) нурланишсиз (радиациясиз узатиш) ёки нур чиқариш (радиациялиузатиш) механизми орқали узатилади. Масалан, Ce:Nd:YAG

холида Се ионлари сенсбилловчи, яъни донор ионлар бўлиб, улар энергияни ютади ва узатади, Nd ионлари бўлса акцептор ионлар ҳисобланади.

Нур чиқариш орқали амалга ошириладиган энергия узатиш кристаллнинг ўлчами ва шаклига боғлиқ. Донор флуоресценция структураси акцептор концентрациясига боғлиқ бўлади, лекин донорнинг радиацияли яшаш вақти акцептор концентрациясининг ўзгаришига боғлиқ эмас. Донор ва акцептор ионлари орасидаги анъанавий бўлмаган энергия узатиш уйғонишнинг тўғридан тўғри узатилиши ёки мураккаброқ жараёнлар, шу жумладан донор ионлар орасидаги уйғониш энергиясининг миграцияси орқали амалга ошиши мумкин. Донор ионлари самарали яшаш вақтининг қисқаришига олиб келувчи нурланишсиз энергия узатиш самарадорлиги донор флуоресценцияси сўниши графигидан қуйидагича аниқланиши мумкин:

$$\eta_{NET} = 1 - \tau_x / \tau_0$$

бу ерда  $\tau_x$  ва  $\tau_0$   $\text{Ce}^{3+}$  намуналарининг мос ҳолда  $\text{Nd}^{3+}$  концентрациясининг  $x$  ва  $x = 0$  бўлгандаги самарали яшаш вақти.

$\text{Ce}^{3+}$  люминесценциясини  $\text{Nd}^{3+}$  ионлари томонидан реабсорбцияси орқали амалга ошувчи  $\text{Ce}^{3+}$  дан  $\text{Nd}^{3+}$  га радиацион энергия узатиш жараёни  $\text{Ce}^{3+}$  нурланиш спектри билан  $\text{Nd}^{3+}$  ютиш спектрларининг устма-уст тушиш даражаси билан аниқланади.

Нурланишли ҳамда нурланишсиз энергия узатиш жараёнларини моделлаштириш учун фотоннинг ютулгунга қадар босиб ўтиши мумкин бўлган йўл узунлиги  $l$  ни қуйидагича аниқлаймиз

$$l = -\frac{\ln \xi}{\mu}$$

(бу ерда  $\xi$  – тасодифий сон,  $\mu$  - берилган тўлқин узунлигидаги ютилиш коэффициенти). Биз Се: Nd: YAG нинг ютилиш спектрини донор ва акцептор ионлар концентрацияси етарлича кичик бўлган ҳол учун қуйидагича кўринишда фойдаланамиз

$$\mu = \mu_1 + \mu_2$$

бу ерда  $\mu_1$  ва  $\mu_2$  - Nd: YAG ва Се: YAG ларнинг мос ҳолда тақиб қилинаётган қуёш нурининг берилган тўлқин узунлигидаги ютилиш коэффициенти. Радиациясиз ва радиацияли энергия узатиш жараёнларини ҳисобга олиш учун ушбу жараёнлар эҳтимолликларини мос ҳолда қуйидагича аниқлаймиз:

$$p_1 = \eta_{NET}(1 - \exp(-\mu_2 l)) \quad \text{ва,}$$

$$p_2 = (1 - \eta_{NET})(1 - \exp(-\mu_2 l))$$

бу ерда  $p_{Ce} = p_1 + p_2 = 1 - \exp(-\mu_2 l)$  - Ce:YAGда ютилиш эҳтимоллиги ва худди шунга ўхшаш Nd:YAGда ютилиш эҳтимоллигини куйидагича аниқлашимиз мумкин:

$$p_{Nd} = 1 - \exp(-\mu_1 l)$$

Сўнгра, ушбу ифодалардан фойдаланган холда энергия узатишнинг радиацияли қисми эҳтимоллигини аниқлаш учун куйидаги ифодани ёзишимиз мумкин:

$$\delta = \frac{p_2}{p_{Nd} + p_{Ce}}$$

Nd: YAG да ютилиш ҳамда Ce: YAG дан радиациясиз энергия узатиш куёш фотони ютилганидан сўнг юқори лазер сатҳида инверс атомларни ҳосил қилишга бевосита ҳисса қўшиши сабабли, модел радиацияли энергия узатиш жараёни содир бўлишинигина текширади. Бунинг учун  $[0...1]$  интервалдаги тасодифий сон генерация қилинади ва  $\delta$  билан солиштирилади. Агар тасодифий сон  $\delta$  дан катта бўлса натижалар регистрация қилиниб, тақиб қилиш жараёни тўхтатилади. Акс холда эса Ce: YAG нинг люминесценция спектридан фойдаланган холда эмиссия жараёни моделлаштирилади ва янги фотонни тақиб қилиш у реабсорбцияга учрамагунча ёки системани тарк этмагунча давом эттирилади.

*Чиқиш қувватини ҳисоблаш.* Шундай қилиб, олидинги бўлимларда дамлаш самарадорлиги  $\eta_p$  ни нурни Монте-Карло усули билан тақиб қилишни моделлаштириш орқали аниқлаш усуллари баён этилган эди. Олинган дамлаш самарадорлиги кейинги босқичларда тўрт-сатҳли лазерлар учун маълум бўлган ифода ёрдамида лазер нури чиқиш қувватининг киришдаги куёш нури қувватига боғлиқлигини аниқлашда фойдаланилади.

*Фаол муҳит температурасини баҳолаш.* Диссертация ишида фаол муҳитдаги температура тақсимотини аниқлаш учун содда холларда кўриб чиқиладиган лазер тизими схемасига хос бўлган аналитик ифодалар келтириб чиқарилди, аналитик усулда ечиш имконияти бўлмаган холларда эса иссиқлик ўтказувчанлик тенгламасини рақамли ечиш усуллари билан фойдаланилди.

Ишлаб чиқилган моделнинг иш қобилиятини ва олинган натижаларнинг ишончлилигини текшириш учун адабиётларда келтирилган мавжуд лазерларни моделлаштириш амалга оширилди. Натижаларни солиштириш қониқарли мосликни ва шу билан бирга моделнинг яроқлилигини, натижаларнинг ишончлилигини кўрсатиб, ишлаб чиқилган моделдан янги самарадор куёш лазерларини тадқиқ этиш, ишлаб чиқиш ва параметрларини оптималлаштиришда фойдаланиш мумкинлигини тасдиқлади.

Шундай қилиб, ишлаб чиқилган модел янги самарадор куёш лазерларини ишлаб чиқиш ва параметрларини оптималлаштиришда қўлланилиши мумкинлиги кўрсатилди.

Юпқа пластинка ёки диск кўринишидаги фаол муҳит, ҳамда шаффоф ташқи қобик ва ажив ионли ўзакка эга бўлган композит фаол муҳитларни бир

текис оптик дамлашда температура майдонини ҳисоблаш учун аналитик ифодалар келтириб чиқарилди.

**“Сенсибилизаторсиз қуёш ёрдамида оптик дамланадиган лазерларни оптимал схемасини аниқлаш учун рақамий тажрибалар”** деб номланган учинчи бобда диод ёки лампали оптик дамлашда қўлланилиб келаётган турли хил фаол муҳитлар асосида қуёш лазерлари яратиш бўйича тадқиқотлар натижаси келтирилган. Оптик дамлаш схемаси ва лазер конструкциясининг оптимал вариантларини танлаш мақсадида бир қатор фаол элементлар (Nd:YAG, Ti:сапфир, Александрит) ҳамда оптик дамлаш схемасининг турли вариантлари учун ишлаб чиқилган модел асосида, симуляциявий ҳисоблар орқали самарали лазер генерациясини олиш имкониятлари бўйича кенг таҳлил ишлари амалга оширилди. Nd:YAG фаол элементи ва унинг композит вариантлари асосидаги лазерларнинг кўриб чиқилган конструкциялари учун температура режимлари тадқиқ этилди. Умумий самарадорликни деярли икки баробар ошириш, иш жараёнида фаол муҳит ва ташқи сенсибилизаторлардан фойдаланиш учун энг мақбул иссиқлик шароитларини таъминлаш имконини берувчи қуёш лазерларининг кўндаланг кўп ўтишли дамлаш схемасини амалга ошириш учун янги содда ёндашув таклиф этилди.

Nd:YAG га нисбатан генерация порогои жуда юқори бўлган ва шу сабабли олдин қуёш лазерлари учун фаол элемент сифатида қаралмаган,  $Ti^{3+}:Al_2O_3$  фаол муҳити асосида қуёш нури энергиясини лазер нури энергиясига айлантириш имкониятлари тадқиқ этилди. Компьютер симуляцияси усули билан генерация порогини, концентрацияланган қуёш нури билан бўйлама оптик дамлашда кристалл параметрларининг оптимал геометриясини танлаш ҳисобига камайтириш имконияти аниқланди.

Олинган натижалар асосида  $Ti^{3+}:Al_2O_3$  фаол муҳитли лазерларда Nd:YAG да олиш мумкин бўлган генерация қувватидан кам бўлмаган қувватга эришиш мумкинлиги кўрсатилди.

Ютиш спектри қуёш нури спектрининг катта қисмини қамраб оладиган яна бир лазер материали александрит ( $Cr^{3+}:BeAl_2O_4$ ) бўлиб, унинг иссиқлик ўтказувчанлиги Nd:YAGнинг иссиқлик ўтказувчанлигидан қарийиб икки баробар ортиқ. Лекин, александрит асосидаги лазер юқори генерация порогига эга бўлганлиги сабабли, қуёш энергиясини лазер энергиясига айлантириш соҳасида кенг тарқалмади.

Шу сабабли, александритга ўхшаш фаол муҳит асосидаги қуёш лазерларининг генерация порогини камайтириш учун мазкур ишда, материалларни ишлаб чиқариш технологиялари соҳасида эришилган сўнги ютуқлар туфайли ҳозирги вақтда ишлаб чиқариш имконияти мавжуд бўлган композит лазер материалларидан фойдаланишга асосланган янги ёндашув таклиф этилди. Бу ерда диффуз пайвандлаш технологияси ва шаффоф керамика ишлаб чиқариш технологияларидан фойдаланиш орқали олинган композит материаллар назарда тутилмоқда

Диссертация иши доирасида композит структурали александрит асосидаги қуёш ёрдамида оптик дамланадиган лазерлар самарадорлигини

ошириш имкониятлари тадқиқ этилди. Турли хил, ҳусусан бир жинсли стержен, фаоллаштирилган ўзакли стержен, ва парабола кўринишидаги композит структура вариантлари кўриб чиқилди. Моделлаштириш диаметри 1м. ва фокус масофаси 0.5м бўлган парабolik концентратор учун амалга оширилди.

Лазер генерация порогининг энг кўп камайишига, парабола формаси туфайли композит фаол элементнинг ўзида қуёш нурунинг қўшимча концентрациясига эришиш мумкинлиги сабабли, парабола кўринишидаги композит фаол элементдан фойдаланилганда эришилди (1-расм).

Композит фаол муҳит фаол ўзагининг узунлиги ва диаметри, ишчи характеристикаларни оптималлаштириб, оптик дамлаш самарадорлиги ва лазер чиқиш қувватини максимал даражага етказиш учун ўзгартирилди.


Иккита композит фаол муҳит вариантлари учун олинган натижаларни солиштириш шуни кўрсатдики, олд қисмида шаффоф соҳасининг узунлиги 5мм бўлган композит фаол

муҳитдан фойдаланиш оптик дамлаш тақсимодининг бир текис бўлишига, ва бу эса ўз навбатида олд юзага тушадиган иссиқлик юкласининг камайишига ва шу жумладан кристаллнинг бузилиши каби номақбул иссиқлик эффектларининг олди олинишига олиб келади.

Ҳисоблар қайтариш коэффициенти 90% бўлган чиқиш ойнаси, мажбурий нурланиш кесими  $0.5 \times 10^{-20} \text{ см}^2$  ва флуоресценциянинг яшаш вақти 260 мкс бўлган хол учун амалга оширилди. Лазер чиқиш қувватининг қуёш нурунинг киришдаги қувватига боғлиқлиги Зрасмда келтирилган. Расмдан дифференциал самарадорлик (ФИК) 17,5%ни, тўлиқ ФИК - 14,5%дан ортиқроқ қийматни ташкил этиши кўриниб турипти, бу эса мавжуд қуёш ёрдамида оптик дамланадиган лазерлар кўрсаткичидан бир неча баробар юқори.

*Кўп ўтишли кўндаланг оптик дамлаш.* Лазер тизимларида асосан икки хил оптик дамлаш схемаси ишлатилади, булар бўйлама ва кўндаланг дамлаш схемаларидир.

Бўйлама дамлаш схемаси энг самарадор дамлаш схемаси ҳисобланади, лекин бу схема лазер муҳити ичидаги стержн ўқи бўйлаб бир текис ютилишни таъминлайди, бу эса ўз навбатида шу билан унга боғлиқ иссиқлик юкламалари муаммосининг камайишига олиб келади. Кўндаланг дамлаш конфигурацияси билан олинган қуёш лазер нурунинг сифати, бўйлама дамлаш




1-расм. Таклиф этилаётган лазер конструкциясининг схематик кўриниши. Киритма-композит фаол муҳит

конфигурацияси билан олинган нур сифатидан яхшироқ бўлиши мумкин. Кўндаланг дамлаш схемаси масштаблаш учун бўйлама дамлаш схемасига нисбатан қулай ҳисобланади. Аммо, фаол муҳит кўндаланг ўлчамларининг бўйлама ўлчамларига нисбатан анча кичиклиги туфайли, одатда кўндаланг дамлаш лазерларидаги ютилиш самарадорлиги, бўйлама дамлаш лазерларидаги кўрсаткичдан икки баробор кичик бўлади. Шусабабли кўндаланг дамлаш лазерларидаги ютилиш самарадорлигини ошириш учун, диод дамлашли қаттиқ жисмли лазерларда фаол муҳитни юқори даражада легирлаш ёки ретро-қайтариш каби ёндашувлардан фойдаланилади. Бу ҳар икки ёндашув ҳам лампавий ва қуёш билан оптик дамлаш орқали лазер олишни амалга оширишда муаммоли ҳисобланади, чунки фаол муҳит неодим билан легирланган хол учун, неодим ионларининг максимал концентрацияси концентрация ўчишлари билан чекланган.

Бошқа томондан, концентрацияланган қуёш нури диодли лазер нури каби параллел бўлмаганлиги туфайли, самарали кўп ўтишли дамлашни таъминлаш ҳам қийин. Шу мақсадда мазкур ишда кўндаланг дамлаш асосидаги қуёш лазерларидаги ютилиш самарадорлигини ошириш учун, юпка-диск лазерларидаги кўп марталаб қайтиш (ретро-рефлектор) усули каби самарадор бўлган, кўп ўтишли оптик дамлаш имкониятини берадиган, янги, оддий ёндашув таклиф этилмоқда. У деворларининг ички қавати юқори даражада қайтаришни таъминлаши учун кумуш билан қопланган маҳсус дамлаш камерасидан фойдаланишга асосланган. Дамлаш камераси тўртбурчак шаклидаги қути бўлиб, унинг олд девори ретро-рефлектор вазифасини ўтайди, ва бу унинг кўндаланг дамлашли қуёш лазерларида ишлатиладиган мавжуд дамлаш камераларидан асосий фарқи ҳисобланади. Дамлаш камерасининг кейинги асосий фарқи, бу унинг фаол муҳит узунлиги бўйлаб дамлашнинг бир текис тақсимланишини таъминлайдиган гомогенизатор (металл световод) вазифасини ҳам бажаришидадир. Олд деворда диафрагма бўлиб, у орқали концентраторнинг (параболик тарелка ёки Френел линзаси) фокал текислигида концентрацияланган қуёш оқими дамлаш камерасига киритилади. Кўп ўтишли дамлашнинг принципал схемаси 2-расмда келтирилган.

Фаол муҳитнинг шакли - текис параллел пластинка бўлиб, кўндаланг дамлашда иссиқликни самарали олиб чиқиб кетиш имконини беради. Концентратор сифати диаметри 1м бўлган параболик концентратор олинди. Кўп ўтишли конфигурация лазер чиқиш қувватини икки баробар ошириши мумкинлиги кўрсатилди.


Самарадоликни янада ошириш учун Nd:Ce:YAG фаол муҳитдан




2-расм. Кўп ўтишли кўндаланг дамлаш схемаси

ёки ташқи сенсбилизатордан фойдаланиш мумкин.

Таклиф этилаётган схема умумий самарадорликни деярли икки баробар оширади, фаол мухит ва ишлатилаётган сенсбилизатор учун қулай иссиқлик шароитларини таъминлайди. Кўрилаётган конфигурацияни моделлаштириш натижалари 3 ва 4 расмларда кўрсатилган, булар мос равишда ретро-рефлекторли конфигурация учун фаол мухит ичида ютилган фотонларнинг мухит узунлиги бўйича тақсимооти ва чиқиш қувватининг оптик дамлашдаги қуёш нури қувватига боғлиқлигидир.



3-расм. Кенглиги 50мм, узунлиги 40мм ва баланлиги 10мм бўлган дамлаш камераси учун ютилган фотонларнинг ўлчамлари 50x8x4 мм<sup>3</sup> бўлган фаол мухит узунлиги бўйлаб тақсимооти




4-расм. Ўлчамлари 50x8x4 мм<sup>3</sup> бўлган Nd:YAG учун лазер чиқиш қувватининг киришдаги қуёш нури қувватига боғлиқлиги. 1-ретро-қайтаргичсиз, 2-ретро-қайтаргич билан

Ушбу бобда асоси тўғри тўртбурчак бўлган кесик пирамида кўринишидаги иккиламчи концентраторлардан фойдаланган холда, Катта қуёш печининг битта гелиостатидан олинадиган концентрацияланган оқим билан дамланадиган лазер яратиш имкониятларини тадқиқ этиш натижалари ҳам келтирилган. Моделлаштириш 7.5x6.5м<sup>2</sup> ўлчамли битта гелиостат учун амалга оширилди. Кўндаланг дамланадиган Nd:YAGлазер схемаси кўрилди ва таклиф этилаётган лазер схемаси иккиламчи концентратор билан биргаликда битта гелиостатдан 400Вт дан ортиқ лазер чиқиш қувватини олиш имконини бериши кўрсатилган.

**“Ички сенсбилизаторли қуёш лазерлари учун рақамли тажрибалар”** деб номланувчи тўртинчи бобда қуёш спектрининг қисқа тўлқинли қисмидан ютиш зонасига энергияни узатувчи қўшимча фаол ионлар билан легирланган фаол мухитлар (Ce:Nd:YAG, Nd:Cr:GSGG) асосидаги лазерлар конструкцияларининг самарадор вариантини ишлаб чиқиш ва яратиш учун турли хил оптик дамлаш схемалари тадқиқ этилди.

Ички сенсбилизаторли қуёш ёрдамида дамланадиган лазерларни тадқиқ этиш учун, Ce: Nd: YAGдан фаол мухит сифатида фойдаланиб, ишлаб чиқилган қуёш лазерининг симуляция қилиш учун мўлжалланган, сенсбилизация жараёнини инобатга олувчи моделдан фойдаланилди. Ўрганилаётган схема 5 расмда кўрсатилган.

Амалга оширилган моделлаштириш натижарининг таҳлили Ce:Nd: YAG ни қўллаш, Ер сиртида одатдаги қуёш радиацияси  $800 \text{ Вт/м}^2$  бўлган ҳолда қуёш нурини лазер нурига айлантириш самарадорлигини 1.5 баробардан кўпроқ ошириб, қилинган таҳминларни тасдиқлади.



5-расм. Лазернинг умумий схемаси

Ҳисоблашлар диаметри 1м ва Nd: YAG параметрларининг стандарт қийматлари, ўлчами  $10 \times 50 \text{ мм}$  ва церий концентрацияси 0.5% бўлган ҳол учун амалга оширилди.

Шундай қилиб, симуляция усулидаги ҳисоблашлар Nd: YAG ўрнига Nd: Ce: YAG дан фойдаланиш дамлаш самарадорлигини 14% (Nd: YAG учун) дан 19%гача ошириш, порог қувватини эса деярли 1.5 баробар камайтириш мумкинлигини кўрсатди.

Ушбу бўлимда қуёш лазерларида айлантириш самарадорлигини ошириш имкониятларини ўрганиш мақсадида таркибида катта миқдорда неодим бўлган керамик YAG асосидаги қуёш лазерларини ҳам моделлаштириш амалга оширилди.


YAG материалларида фаол ионлар концентрациясининг оширилиши одатда лазер юқори сатҳи яшаш вақтининг камайишиги (концентрацион сўнишига) олиб келади. Бундан ташқари, фаол ионлар концентрациясининг оширилишига сочилишдаги йўқолишларнинг ортиши ҳам ҳамроҳлик қилади. Буларнинг иккаласи ҳам лазерни дамлаш қуввати чегаравий қийматини ошириши мумкин. Иккинчи томондан фаол ионлар концентрациясининг ошиши билан концентрацияга пропорционал равишда ютилиш эҳтимоллиги чизикли (биринчи яқинлашишда) ортади.

Ушбу тадқиқотнинг мақсади лазер самарадорлиги ошишига олиб келадиган ютилишнинг ортиш эффекти билан қолган иккита жараёнларнинг умумий эффектидан устунликни таъминлайдиган ўзаро рақобатлашувчи қайд этилган жараёнлар орасидаги компромиссни аниқлашдан иборат эди. Бунинг учун бўйлама ва кўндаланг дамланадиган лазер, шу жумладан диск типидagi лазер конфигурациялари кўриб чиқилди. Лекин дастлабки таҳлиллар шуни кўрсатдики, энг истиқболли конфигурация бу диск типидagi лазер конфигурацияси экан (6 расм).


Nd:Ce:YAG фаол муҳити учун олинган моделлаш натижалари 7-расмда келтирилган.

Расмдан кўришиб турибдики рақобатлашувчи учта жараён орасида кутилаётган компромисс мавжуд бўлиб, у ютилишнинг ортиш эффекти концентрацион сўниш ва йўқолишларнинг ортиш умумий эффектидан юқори бўладиган ва бунинг натижасида лазер самарадорлигининг икки марта ошадиган, керамик ва кристалл YAG материалларида неодим концентрациясининг старт қийматларига нисбатан 3%ли концентрациядаги максимумга тўғри келади.

Керамик Nd:YAG лазерда неодимнинг юқори концентрациясидан фойдаланиш куёш энергиясини лазер энергиясига айлантириш самарадорлиги ортишини таъминлаши кўрсатилди. Неодим концентрацияси юқори бўлган керамик Nd:Ce:YAG материалдан фойдаланиш керамик Nd:YAG лазер самарадорлигини икки карра оширади.



6-расм. Фойдаланилган икки ўтишли схема



7-расм. Nd:Ce:YAG асосидаги керамик диск лазер учун лазер чиқиш қувватининг неодим концентрациясига боғлиқлиги

*Паст иссиқлик ўтказувчанлигига эга булган фаол муҳитлар асосидаги куёш лазерлари.* Nd:YAG лазер материаллари етарлича юқори иссиқлик ўтказувчанликка ва дамлаш порогининг паст даражаси туфайли кўп қўлланилаётган бир пайтда, ютилиш спектрининг куёш спектри билан мос тушиши, дамлаш порогининг Nd:YAGникидан пастлиги каби характеристикалари бўйича устунликка эга бўлган Nd:Cr:GSGG лазер материали куёш лазерларида фойдаланиш учун деярли кўриб чиқилмайди.


Бунга сабаб Nd:Cr:GSGG лазер материалининг иссиқлик ўтказувчанлиги Nd:YAG материаленикидан деярли икки марта кичик. Шунинг учун мазкур ишда Nd:Cr:GSGG билан боғлиқ бўлган муаммоларини ечиш, айнан самарали иссиқликни олиб чиқиб кетиш ва шу билан бирга куёш энергиясини лазер нури энергиясига самарали айлантириш шароитларини таъминлаш имкониятлари тадқиқ этилди. Nd:Cr:GSGG фаол мухити диаметри 1м бўлган параболик концентратор фокусидаги концентрация қилинган куёш нури билан кўндаланг дамлашда самарали иссиқликни олиб чиқиб кетишни таъминловчи юпқа пластинка кўринишига эга.

Мумкин бўлган турли схемалар кўриб чиқилди. Конструкциянинг юқоридаги талабларга жавоб берадиган оптимал вариантларидан бири 8 расмда кўрсатилган.

Мазкур конфигурацияда ютилиш самарадорлиги бўйича олинган натижа 31%ни ташкил этди.

Сўнгра ютилиш самарадорлигини ҳисобга олган ҳолда бир ўлчовли иссиқлик ўтказувчанлик тенгласини ечиб, фаол муҳитда температура динамикасини ҳисоблашлар амалга оширилди.

Натижалар шуни кўрсатдики, фаол муҳитнинг ўртача температураси  $50^{\circ}\text{C}$  дан паст бўлган чегарада ушлаб турилиши мумкин ва бу Nd:Cr:GSGG фаол муҳити асосидаги лазернинг нормал ишлаши учун етарли бўлган шароитни таъминлайди. Ушбу натижалар асосида ва 90% га яқин деб ҳисобланадиган хромдан недимга энергия



8-расм. Куёш лазер тизимининг схемаси

узатиш самарадорлигини ҳисобга олган ҳолда тўрт сатҳли и лазерлар учун ифодадан фойдаланиб лазер нури чиқиш қувватининг куёш нури қувватига боғлиқлиги ҳисобланди.

Натижалар кўрсатишича, таклиф этилаётган конфигурация лазер қувватини, ҳозирги вақтгача эришилган рекорд қиймати  $30\text{Вт}/\text{м}^2$  га нисбатан сезиларли (3-4 марта) даражада ошириши мумкин экан. Бундан ташқари таклиф этилаётган конфигурация шу вақтга қадар кўрилмаган концентрацияланган куёш нури билан дамлашга яроқсиз деб ҳисобланган, иссиқлик ўтказувчанлиги паст бўлган бошқа лазер материалларидан ҳам фойдаланиш имкониятини бериши мумкин.

**“Куёш ёрдамида оптик дамланадиган лазерлар самарадорлигини ошириш учун ташқи сенсбилизаторлар ёрдамида куёш спектри частотасини ўзгартириш”** деб номланган бешинчи бобда Cr:LiCAF, Ti:сапфир ва Александритлардан ташқи сенсбилизатор сифатида фойдаланиб Nd:YAGли куёш лазерлари самарадорлигини ошириш имкониятларини тадқиқ этиш натижалари келтирилган. Куёш нури спектрини ўзгартиришнинг асосий механизмлари тафсилоти берилган.

Куёш нури спектрини ўзгартиришдан мақсад лазерни оптик дамлаш самарадорлигини куёш спектрининг ишлатилмай қолган қисми частотасини **ички ва ташқи частота ўзгартиргичлар** ёрдамида фаол муҳитнинг ютиш полосаси томонга суриш ҳисобига оширишдан иборат. Куёш нури спектрини турли усуллар ёрдамида ўзгартириш мумкин, хусусан фаол ионли матрицага турли қўшимча ион-сенсбилизаторларни киритиш орқали ҳосил қилинадиган ички сенсбилизаторлардан фойдаланиб амалга ошириш мумкин. Лекин, бу ҳолда дамлаш самарадорлигининг ортиши билан бир пайтда катта миқдордаги иссиқлик энергияси ажралиб чиқади ва бу фаол элемент лазер характеристикаларининг ёмонлашувига, баъзан унинг ишдан

чиқишига олиб келиши мумкин. Бунга мисол тариқасида самарали лазер материали сифатида қаралган Nd:Cr:YAG асосидаги фаол муҳитда ўтказилган тажрибаларни келтириш мумкин, лекин ушбу фаол муҳитда тажриба маълумотларига кўра қуёшли ёки лампали дамлаш вақтида юзага келган иссиқлик эффектлари олинган ўзгартириш самарадорлигининг ортишига нисбатан салмоқли эканлиги кузатилган. Шу сабабли, яқинда биз томондан ташқи қуёш нури частотасини ўзгартиргичлардан фойдаланишга асосланган янги концепция таклиф қилинган эди.

Янги концепциянинг моҳияти шундан иборатки, унда фаол муҳитга иссиқ юкламасини камайтириш мақсадида сенсбилизатор фаол муҳитдан ажратилади, яъни фаол муҳит ва сенсбилизатор алоҳида ишлатилади. Бу эса фаол ва сенсбилазиция қилувчи ионлар учун турли матрицалардан фойдаланиш имконини беради. Бундан ташқари, турли хил сенсбилизаторларни (частота ўзгартиргичларни) комбинацияларидан шу жумладан турли хил матрицалардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиради.

Қуёш нури спектрининг ишлатилмай қолган қисми частотасини ўзгартиришнинг турли механизмлари мавжуд. Лекин уларнинг ичида энг самаралиси “down-shift” га асосланган механизм бўлиб, унда юқори энергияли фотон бошқа бир паст энергияли фотонга иссиқлик ажратиш орқали айланади.

